

## **Кирилл ва лотин ёзувлари ҳақида**

### **“Ёзувни алмаштириш – ҳаммасини 0 дан бошлаш дегани”.**

**Музаффар Латифович Исмоилов**

Андижон туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқигувчиси.

Андижон тумани Бекобод МФЙ Бекобод кўчаси 112-йй.

**+998-93-426-61-10**

#### **Аннотация**

Муаллифнинг ушбу илмий мақолаларида жуда муҳим масалаларни ўргага ташлайди. Ўзбек ёзувининг бир тўхтамга келмаганлиги, яна кирил графикасига қайтиш тарафдорларининг пайдо бўлганлиги танқид остига олади. Ёзувнинг тез-тез ўзгариши ҳалкни саводсиз қилиб қўйишини илмий мулоҳазалар билан асослайди. Бир инсон ҳаёти мобайнида алифбонинг уч маротаба алмашиши, уч маротаба ислоҳ қилинишини оқлаб бўлмайди. Саводхонлик бўйича ёшлар ва катта ёшдагилар иккига бўлинниб қолганлигини коралаб, бундан буён тўғри қарорга келишни олдинга суради.

**Кирилл ва лотин ёзувлари ҳақида**

**“Ёзувни алмаштириш – ҳаммасини 0 дан бошлаш дегани”.**

**Ўткир Ҳошимов.**

Дунёда беш мингдан ортиқ тил бор экан. Ўз алифбосига эга бўлмаган тил узоқ яшай олмайди. Ёзма нутқ орқали тилга гўё жон кириб, ҳаракатланади, асрлардан асрларга ошади. Араб, ҳинд, хитой тиллари минг йиллардан бери битта алифбо билан келяпти. Инглиз тилида ёзув билан талаффуз ўртасида анчагина фарқ бор, аммо ислоҳ қилишни исташмайди.

Ўзбек тили – энг қадими, гўзал тиллардан бири. Унинг ўз алифбоси борми? Ўрхун-Энасой, уйғур, сўғд ёзувлари аллақачон истеъмолдан чиқиб кетган, ҳозирги тилимиз қоидаларига тўғри келмайди. 8-асрда араб ёзувига ўтилди. Ўзбек адабиётининг энг дурдона асарлари, тарих солномалари шу ёзув орқали яратилди ва бизгача етиб келди. Аммо араб алифбоси тилимиз қоидаларига етарли даражада жавоб бера олмайди. Бунга Захириддин Муҳаммад Бобур томонидан ишлаб чиқилган хатти Бобурийни асос қилиб қўрсатишмиз мумкин. Лекин ушбу алифбо ҳаётга татбиқ қилинмасдан қолиб кетганлигидан боҳабармиз. Араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувига 1922 – 1926 – йилларда бир қатор ўзгартиришлар киритилди, тилимизга мослаштирилди. Иш шу билан тугаши шарт эди. Бироқ уч йил ўтиб, 1929 йилда лотин алифбоси қабул қилинди. Оқибатда минг йиллик тарихимиз, адабиётимиз узиб қўйилди, ҳалқ саводсиз бўлиб қолди. Зуғум қилиш онлари бу билан ўз интихосига етмади, балки яна давом эттирилаверди. Кўнгилчан ҳалқимиз ҳали лотин алифбосини тўла ўзлаштиришга улгурмасдан, 1940 йили кирил ёзувига ўтиш тўғрисидаги қарор чиқди. Ҳаммаси 0 дан бошланди. Алифбонинг бу қадар тез фурсатда алмаштирилишини фақатгина Шўро хукуматининг зўравонлик сиёсати билан боғлаш адолатдан бўлмайди. У ҳолда, нега Болтиқ бўйи ҳалқлари, грузин ва арманлар ўз ёзувидаги қолди? Ўша пайтлардаги раҳбарларимизда миллий туйғу ва ғуурнинг етишмаслиги, айрим ҳолларда қўрқоқлиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Бундан 25 йил олдин яна алифбони янгилаш масаласи кўтарилиди. Ўшанда олдимизга араб ҳамда лотин ёзувларидан бирига ўтиш ёки кирилда қолиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди. Тарихий сабоқлардан тўғри хulosasi чиқариш ўрнига алифбо билан олишув давом этаверди. Узоқ тортишувлардан сўнг 1993 йил 2 сентябрь санасида лотин алифбоси қабул қилинди. Кирил ёзувининг фаолияти 2000 йилга келиб тугаши белгилаб қўйилди. Қарор ҳар томонлама аниқ ҳисоб-

китоб қилинмасдан қабул қилинганилиги кейинчалик ошкор бўлиб қолди. Мана шу жойда яна бир шошма-шошарликка йўл қўйилди. 1993 йилда 1-синфни кирил билан бошлаган болалар ярим йўлда лотин ёзувини ўрганишга мажбур бўлдилар. Ёш ниҳоллар бир йилда икки алифбони ўзлаштиришда анча жабр чекишиди, бундай юқ улар учун жуда оғирлик қилганинг гувоҳи бўлганлигимиз кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ёзув пухта ишлаб чиқилмаганилиги тез фурсатда оидинлашди. Шу туфайли ҳам 1995 йилнинг 24 августида ҳали янги бўлган алифбога ўзгартиришлар киришишга тўғри келди. Лотин графикасига тўла ўтиш муддати энди 2005 йилгача чўзилди. Белгиланган вақт тугаганига 12 йилдан ошди, лекин параллел алифбонинг адоги ҳали-бери кўринадиганга сира ўхшамайди. Натижани яна чорак аср кутамиз, шекилли. Бир инсон ҳаёти мобайнида ёзувнинг уч бора алмашуви, икки бора ислоҳ қилиниши юз берди (!).

Ўзбек тили кўп мамлакатларда тарқалган бўлиб, ёзуби турлича. Тилимиз араб мамлакатлари, Афғонистон ва Хитойда араб, Қирғизистонда кирил алифбоси бўйича қўлланилади. Ўзбекистонимизда эса ҳам кирил, ҳам лотин алифболари расмий равишда ишлатилиб келинмоқда. Юргимизда 31 ёшгача бўлганлар лотин, 32 ёш ва ундан катталар кирил ёзувидан фойдаланишади. Кўпол қилиб айтадиган бўлсак, миллат иккига бўлинниб қолди. Бу ҳол яна давом этавериши яхшиликка олиб келмаслигини унутмайлик. Ушбу кулгили қиёфамизни кўрган Гамлет (Ҳамлет) шундай деган бўларди: “Лотин ёзувида қолмоқ ёки кирилга қайтмоқ: шудир масала. Булардан биз учун қайбири қиммат? ”

Бугун тағин ёзувни алмаштириш муаммоси олдимизда долзарб бўлиб турибди. Энди нима қилишимиз лозим? Қандай чорани қўлласак, тарихий хатони тақрорламаймиз? Нима қилган тақдирда, сих ҳам, кабоб ҳам кўймайди? 53 йил мобайнида ишлатилиб келинган, онгимизга сингиб қолган кирил ёзувига қайтадиган бўлсак, барчага бирдек маъқул келадими?

Булғор олимлари бўлган ака-ука Кирил ва Мефодий лотин алифбоси асосида янги ёзув яратишиди. Киев Руси давлати ушбу графикани қабул қилди. Рус подшоси Пётр 1 ҳамда Совет давлатининг асосчиси бўлган Ленин томонидан у бирмунча соддалаштирилди. Рус (аслида булғор) алифбоси ўзбек тилига мослаштирилиб, Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҳарфлари киритилди ҳамда Щ билан Й эса чиқариб ташланди. Рус алифбосида қатор камчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Талаффуз қилганда бир-бирига жуда ҳам яқин бўлган X ва Ҳ товушлари деярли бир хил қиёфага тушиб қолган. Оқибатда 80 фоиздан ортиқ аҳоли ҳанузгача уларни фарқлай олмайди. Тиниш белгиларидан ҳисобланган қўштироқнинг босмача « » ва ёзмача “ ” ҳолатининг мавжудлигини ҳазм қилиш мушкул. Юмшатиш белгиси (ъ) ни қўллашда ўзибўларчилик қилинганити. Шуни унутмаслик керакки, ҳали 1956 йилги имло қоидалари бекор қилинганича йўқ. Шунга қарамасдан, сентябр – сентябр, июнь – июн, февраль – феврал, Польша – Полша тарзидаги икки хилликни истаган дарслик китобларида учратишимиз мумкин. М, И, Ш, Л қатор келган сўзларнинг ёзмачасини ўқиши кийинчилик туғдиради. Эндиликда дунё миқёсида кирил ёзувнинг географик ўрни торайиб бораётир, қисқарыш давом этяпти.

Туркий забонлардан дастлаб Отатурк бошчилигига турк тили араб ёзувидан лотинга ўтган эди. Озарбайжон, туркман, қорақалпоқлар ҳам кирилдан воз кечишиди. Ҳозирги дақиқаларда қозоқлар билан қирғизлар лотин алфавити томон қадам қўйишияпти. Шундай дамда биз кирилга қайтсак, ҳаётимизда нима юз беришини дўшини ерга қўйиб бир тасаввур қилиб қўринг-а, бағоят “тўзал” манзаранинг гувоҳи бўласиз. Туркнинг бош бўғини (Амир Темур таъбири) аро йўлда яккаланиб қолмайдими? Ўзбек билан тақдирини боғлаган қорақалпоқлар не кўйга тушади?

Юқоридагиларни инобатга оладиган бўлсак, лотин алифбосида қолиш энг тўғри ва мақбул йўл ҳисобланади. Фақат уни маълум даражада ислоҳ қилишга тўғри келади, яъни уч ўқ билан ( 1993, 1995, 2022(?) ) бигта қўённи урамиз. Ҳар қалай бу кирил ёзувига қайтишдан кўра яхшироқ, деб ҳисоблайман. Энди ортга йўл йўқ. Ислоҳга кўра CH, SH, ng (унинг бош ҳарфи йўқ) товушларини

битта ҳарфда ифодалаш (турк тили тажрибаси), рус тилига хос Ц ҳарфи ўрнида С ни қўллаш (sirk-cirk, ssenariy-cenariy, sirkul-cirkul), Ё”лашган деб юритиладиган, таркибида икки товуш бўлган Е, Ё, Ю, Я унли ҳарфларини Ye, Yo, Yu, Ya тарзида ёзиш ва талаффуз килиш (sentabr-sentyab, oktabr-oktyab, parashut-parashyut ), G’ билан О’ учун компьютерда алохида ўрин ажратиш даркор.

Мунозаралар давом этмоқда, фикрлар хилма-хил. Ҳар қандай вазиятда ҳам ушбу вазифани өхтиросларга берилмай, ақлан теранлик билан бажариш, ҳал қилиш зарур. Бу борада илмий томондан ёндашмоқ, кимнингдир кўнглини эмас, ҳалқ манфаати нуқтай назаридан иш тутиш керак. Неча минг йиллардан бери ўзлигини сақлаб келаётган Тилимиз гўзаллигини йўқотмасин.

### **Музaffer Исмоилов**

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Имло луғати”.  
Тошкент – 1982.
2. “O’zbek tilining imlo lug’ati”.  
Toshkent – 1995.
3. “7x7” gazetasi.  
20. 07. 2017. 29-son.